Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 2 АВГУСТ, СЕШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (13.216)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







ИСТИҚЛОЛ ВА БАХТИЁРЛИК НАШИДАСИ

Пойтахтимизнинг қай бир гўшасига қараманг Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз истиқлол шодиёналари ўзига хос, карнай-сурнай наволари-ю, дилбар тароналар оғушида ўзгача тароват ила нишонланмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, Миробод ва Учтепа тумани ҳокимликлари,Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими Бош бошқармаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёнасига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, яратувчанлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тарихимизни ва буюк аждодлар ўтмишини абадийлаштириш, қадриятларимизни қадрлаш борасида амалга оширилган улкан ишлар ва фан, таълим, маданият, санъат, иқтисодий йўналишларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида фикрларини билдирдилар.

Байрам доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Аҳмедов, Фурқат Ашуралиев, "Ўзбекнаво эстрада бирлашмаси" хонандалари Ёқутбек Қудратов, Ҳуршид Турдиев, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Исроил Саидумаров, Алишер Аҳмедов, Улуғбек Одиловларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари, "Қувонч" болалар ашула ва рақс ансамблининг байрамона чиқишлари барчага бирдай манзур бўлди.

Тадбирда ҳунармандлик, тадбиркорлик буюмлари, миллий либослар, тикувчилик, каштачилик, осори-атиқа ва тасвирий санъат асарлари ҳамда маҳаллалар фаолиятига оид кўргазмалар ташкил қилинди. Таълим муассасаси фаолиятини ёритиб берувчи стендлар ва кўл ишлари кўргазмаси ҳам барчага бирдай манзур бўлди.

Байрам тантаналари доирасида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

– Ҳа, фақат обод ва озод юртда байрамлар шундай нишонланади. Фақат бизнинг юртда мустақиллик берган азиз ва улуғ неъматдан бахраманд бўлиш барчамизга бирдек насиб этади, – дейди Миробод туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мадаминова. – Чунки бу неъмат бунёдкор халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига қўлга киритилган. Заминимиз узра бахтиёрлик, фаровонлик, шукроналик куйлари янграмоқда. Мустақиллик берган бу истиқлолни янада теранроқ англаш ва унинг беназир неъматларидан бахраманд бўлиш ҳаммамизга ҳам насиб этсин...

– Бугунги байрам шодиёнаси кекса-ю ёшнинг қалбига бир олам қувонч улашди, – дейди Учтепа туманидаги "Кўркамобод" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Сотволдиев. – Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини шундай гўзал ва нурафшон кунда катта тантаналар билан нишонлаётганимизнинг ўзи олий саодатдир. Илоҳим жаннатмонанд диёримизга кўз тегмасин. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин.

– Мустақиллик барчамизга улкан имкониятларни яратиб берди,– дейди Миробод туманидан ташриф буюрган ёш оила вакили Сабоҳат Эрматова. – Айниқса биз ёшлар қай соҳада бўлмайлик ўқиш ва ўз устимизда ишлашимиз учун барча шароитларга эгамиз. Бу эса истиқлол инъом этган бениҳоя туҳфадир.

Дарҳақиқат, мустақиллик неъматлари ҳар қадамимизда сезилаётир. Уларнинг асосида эса ягона Ватан, унинг қувонч ва ташвишлари менинг қувонч ва ташвишларим деб яшаётган, ҳар бир инсоннинг тинимсиз меҳнати ва куч-ғайрати мужассамдир.

Байрам барчанинг кўнглида қадри баланд, ёши улуғ отахон ва онахонларнинг дуоларида, келажаги порлоқ ёшларнинг фахр ва ифтихорга тўла самимият балқиб турган кўзларида акс этгандек из қолдирди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар

Ислои Исмоилов олган суратлар

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Гулистон шаҳрида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди, дея хабар беради ЎзА.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 маслаҳатчи иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижчил ислоҳотлар жараёнида давлат ва жамият ҳаётида маҳалла институтининг ролини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунинг самарасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилалар мустаҳкамлиги ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ошиб бормоқда.

Бу борада мазкур ноёб тузилмада самарали фаолият олиб бораётган фаоллар, шу жумладан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг саъй-ҳаракати билан маҳаллаларда миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳолининг, аввало, ёшларнинг қизиқиши ва манфаатларини муҳофаза қилиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалланинг аҳамиятини кенгайтириш ва нуфузини ошириш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси таъминланишига эришилмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги фармони асосида фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган эди. Бугунги кунда ушбу лавозимларда катта ҳаёт тажрибасига эга, аҳолига, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантиришда ижобий таъсир ўтказа оладиган 8 минг 700 дан ортиқ обрўли ва фаол хотин-қизлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўтган ойларида маҳалла маслаҳатчилари томонидан оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш натижалари асосида 123 минг 500 дан ортиқ фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатилди, 95 мингга яқин йиғин аъзоларининг иш билан таъминланишига кўмаклашилди. Айни чоғда маҳаллаларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, оилалар ажралиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича 149 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилгани оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маслаҳатчилар томонидан "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиш, ўқувчиларнинг дарс жараёнига мунтазам қатнашишини таъминлаш бўйича уларнинг ота-оналари ўртасида 65 мингга яқин тушунтириш ишлари ва учрашувлар ўтказилди.

(Давоми 3-бетда)

Абитуриент – 2016

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН ЁШЛАР

1 август куни мамлакатимиз олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларига 663 минг 298 абитуриент ҳужжат топширган. Бу ўтган йилга нисбатан 57 минг 462 нафарга кўпдир.

Ёшларнинг олий маълумот олишга иштиёқи муттасил ўсиб бораётгани мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ватан тақдири ва ўз келажаги учун қайғуриб яшайдиган авлодни камолга етказиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Маънан ва жисмонан баркамол авлод соғлом ота-она, соғлом муҳит мевасидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари, фармон ва қарорларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани фуқароларни кучли ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг ҳаёт сифатини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу борада халқимизни сифатли, хавфсиз ва ишончли дори-дармон препаратлари билан таъминлаш, маҳаллий фармацевтика саноатини равнақ топтириш, дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техник ва технологик модернизациялаш, қайта жиҳозлаш, уларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, диёримизда ўсувчи шифобахш ўсимликлар асосида дори воситаларини тайёрлаш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган ишлар муҳим ўрин тутади. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар дори воситаларининг таннархи сунъий тарзда ошиб кетишининг олдини олиш, фармацевтик маҳсулотлар нархини ягона қийматда сақлаб туриш, чет элдан келтирилаётган аксарият препаратларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва уларни экспортга жалб этиш имконини бермоқда.

Тошкент фармацевтика институти юртимизда ушбу йўналиш учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб берувчи ягона ва етакчи олий таълим даргоҳларидан саналади. Ушбу ўқув масканида 2016/2017 ўқув йили учун таълимнинг бакалавриат босқичида беш йўналиш – касб таълими: фармация, биотехнология (фармацевтик биотехнология), фармация (турлари бўйича), саноат фармацияси (турлари бўйича), метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (фармацевтика соҳаси бўйича) мутахассислари тайёрлаш кўзда тутилган.

Бу йил институтга талаба бўлиш истагидаги 2 минг 721 йигит-қиздан ариза тушган. Абитуриентлар фармация, саноат фармацияси йўналишларига катта қизиқиш билдирган. Белгиланган режага асосан кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтганларнинг 60 нафари давлат гранти, 280 нафари тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига тобора интеграциялашуви, янги саноат тармоқларининг ишга туширилиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви турли соҳаларда етук билим ва малакали, ўз касбининг устаси бўлган илғор мутахассисларга талабни ошираётир. Шу боис меҳнат бозоридаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ўқув-тарбиявий ишлар муттасил такомиллаштирилиб, жаҳон андозалари ва замон талабларига мос таълим стандартлари амалиётга жорий этилмоқда. Назария ва амалиёт, ишлаб чиқаришни ўзига уйғунлаштирган, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳамоҳанг янгидан-янги ихтисосликлар ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори асосида олий ўқув юртларида 18 янги таълим йўналиши очилди. Янги ўқув йилидан Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида сакқиз, Тошкент архитектура-қурилиш институтида уч, Тошкент кимё-технология институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Тошкент Тиббиёт академияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат аграр университети ва ушбу олий ўқув юртининг Нукус филиали, Андижон қишлоқ хўжалиги институтида биттадан янги таълим йўналишлари бўйича талабалар қабули амалга оширилди.

(Давоми 3-бетда)

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон спорт делегацияси XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 1 август куни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент халқаро аэропортида ўтказилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлди.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақалар – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришаётир.

(Давоми 4-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги жаҳдарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Оролбўйи ҳудудида табиий иқлим барқарорлигини таъминлаш, экологик вазиятни юмшатиш, табиатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Қаршида "Мустақилликнинг 25 йиллиги: фермерлик ҳаракати – қишлоқларимизнинг ривожланишида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг Сирдарё вилояти босқичида 11 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи 3 шарт бўйича баҳслашди.

• Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида Термиз шаҳрида 32 хонадондан иборат иккита кўп қаватли замонавий уй ёш оилаларга топширилади. Айни пайтга қадар вилоятда 192 ёш оилага "Камолот" уйлари топширилган.

ЖАҲОНДА

• Тектоник ўзгаришлар натижасида Австралия қитъаси кейинги 22 йил ичида шимол томонга 1,5 метр масофага силжиган. Буни мамлакат олимлари GPS ўлчамлари орқали олиб борилган тадқиқотлардан сўнг аниқлашди. Айтиш керакки, Австралия сайёрадаги энг тез ҳаракатланадиган қитъа ҳисобланади. У шимол ва бир оз ғарбга ҳар йили муайян тезликда силжиб бормоқда. Бу ўзгаришлар кучли зилзилани ҳам келтириб чиқармоқда.

• Стаг университети тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида алкоголнинг рак касалликлари ривожланишига бевосита таъсир кўрсатиши аниқланди. Дарҳақиқат, Addiction журналида чоп этилган мақолада ҳам таъкидланишича, ўнлаб илмий изланишлар хулосаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, алкогол маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳақиқатдан ҳам кўкрак раки ва бошқа олтита турли ўсмаларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин ва йилига тахминан 500 минг кишининг ўлимига сабаб бўлади.

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

Мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамликдан буткул озод этди. У топталган қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берди.

Ўтган чорак аср мобайнида ютуқларга ютуқ қўшилди, бу борада қилинган ишлар изчил давом эттирилди. Мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳаларидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишлар амалга оширилди.

Булар Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 2 июнида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида ҳам алоҳида қайд этилди.

Бугун шу ҳақда ўйлар эканмиз, хаёл ўз-ўзидан ўтган йилларимиз сари етаклайди. Истиқлол эса – узоқ тарихга эга. Амалда миллий озодликка эришиш учун кураш чор армияси юртимизга бостириб келган дастлабки кундан бошланган. 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни муҳтарам Ислом Каримов Ўзбекистонимизга раҳбар бўлиб келган кундан эътиборан бу кураш ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди. Шу кундан истиқлол тобора яқинлаша борди.

Истиқлолнинг йигирма беш йиллик байрами олдидан Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришиш арафасидаги тарихини ҳам яхши билишимиз керак. Бунинг учун Юртбошимизнинг 2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан чоп этилган **"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"** китобида акс этган жараёнларни таҳлил этиб, уни чуқур англаш лозим. Чунки бу ўзига хос китобдан давлатимиз раҳбарининг 1989 йил 24 июнидан то 1992 йил 4 январигача бўлган икки ярим йиллик, яъни икки йилу икки ойи мустақилликкача, тўрт ойи мустақилликка эришганимиздан кейинги давр фаолияти билан боғлиқ тарихий материаллар ўрин олган.

Ана шу нашрда мустақилликка эришиш учун нима қилишимиз ва мустақилликка эришганимиздан кейин нималарни амалга оширишимиз кераклиги ёрқин ифодаланган. Тўпламдаги жами 35 материал ана шу жиҳати билан бугун жуда қадрли. Улар орасида, назаримизда, мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган учта чиқиш бор.

Биринчиси – албатта, Ислом Каримовнинг 1989 йил 24 июнида, яъни Ўзбекистонга раҳбар бўлганининг эртаси куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийсидаги областларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида сўзлаган нутқи. У китобда **"Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди"** деган сарлавҳа остида берилган. Ҳали шўро давлати мустаҳкам турган бир даврда ярим мустамлака ҳолатидаги республика раҳбарининг мисалани шу тарзда дадил қилиб қўйишининг ўзи, очиғини айтганда, катта жасорат эди.

Иккинчиси – 1991 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзланган тарихий нутқ. У **"Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади"** деб номланган.

Учинчиси – Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланганидан кейин, яъни 1992 йилнинг 4 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида қилинган **"Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди"** мавзусидаги маъруза.

Аслида, китоб ана шу санаганимиз уч чиқишнинг биринчиси билан бошланиб, учинчиси билан якунланади.

Халқ мустамлака зулмидан чарчаган эди. Мустабид тузум даврининг охирги йилларига келиб ҳаёт жуда мураккаблашган, турмуш кечириш мушкул ҳолга тушиб қолган, иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашган эди. Дўконларнинг пештахталари – бўм-бўш, одамларнинг ҳаётга, келажакка ишончи йўқолган бир давр эди. Бунинг устига, "пахта иши", "ўзбеклар иши" деб номланган қамақамалар кўпларнинг ёстиғини қуритаётган эди.

Мустақиллик буларнинг барини бартараф этиш учун улкан имкон берди. Буни халқимиз мустақилликка эришган дастлабки бир неча ойдаёқ тўла ҳис қилиб улгурди. Юқорида таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари 1992 йилнинг 4 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида "Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди" деган мавзуда маъруза қилди. Бу тарихий маърузани, шартли равишда, икки қисм деб ҳисоблаш мумкин. Биринчи қисмда истиқлолнинг ана шу дастлабки тўрт ойи мобайнида эришилган ютуқлар беш бандда санаб ўтилган. Иккинчи қисмда эса ўртага: ***"Хўш, биз қайси йўлдан борамиз? Унинг йўналишлари нималардан иборат"*** – деган масала қўйилиб, ўн бандда бу йўналишлар аниқ-тиниқ белгилаб берилган.

Орадан қарийб чорак аср ўтганидан кейин бу мавзуга қайтиш, ўшанда айтилган сўзларни ўтган даврга, хусусан, бугунги ҳаётга қиёслаб мулоҳаза юритиш – ҳар тарафлама ғурурли. Мана, дастлабки қадамлардаёқ эришган ютуқларимиз:

Биринчидан, маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Динга муносабатимиз тубдан ўзгарди. Ўзлигимизни англадик.

Иккинчидан, сиёсий мустақилликка эришдик. Ўз тақдиримиз, фарзандларимизнинг келажагини ўзимиз ҳал этиш имконига эга бўлдик. Жаҳонга чиқдик. Ўзбекистон тенглар ара тенг бўлди.

Учинчидан, иқтисодий соҳада бурилиш юз бериб, бозор иқтисодиётига ўта бошладик. Хусусий мулк пайдо бўлди. Ўзбекистон ўзининг олтин хазинасига эга бўлди.

Тўртинчидан, ижтимоий адолат ўрнатила бошлади. Одамлар ер олди. Собиқ марказ ўзбек халқига тамға босган, унга маломат тошлари ёғдирган эди. Бу ҳаракатларга зарба берилди: "пахта иши" билан қамалганларнинг барчаси авф этилди.

Бешинчидан, халқ одамларни дини, эътиқоди, миллатига қараб ажратиш фалокат ва офат эканини тушунди.

Энди ана шу тарихий маърузада белгилаб берилган йўналишларга бир диққат қилайлик. Уларни қисқа-лўнда қилиб ифодалаганда ҳам, манзара кўз олдимизда яққол намоён бўлади:

– *иқтисодий барқарорликни таъминлаш; Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтишда ўз йўлини танлаб олгани ва бу йўлдан қайтмаслиги; бир тоифа одамларнинг чексиз бой бўлиб, яна бир тоифадагиларнинг ғариб, гадо, қашоқ бўлишларига йўл қўймаслик;*

– *тинчлик, тотувлик, осойишталикни сақлаш; одам ўлдириш, талон-тарожлик, ўғрилик, порахўрлик, чайқовчиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш чораларини кўриш; адолат ўрнатиш;*

– *фуқаролар ва миллатлараро тинчликни сақлаш;*

– *халққа, биринчи галда, тадбиркорликка, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик бериш ва эркинликни муҳофаза қилиш; мулкчиликнинг барча шаклларига тенг шароит ва имкон яратиш; хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш; халқимизни озиқ-овқат билан таъминлаш; халқ хўжалигини тангликдан чиқариш;*

– *ошкораликни таъминлаш; матбуот, радио, телевидение воситасида одамларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга эришиш; маданият, санъат, адабиётни иқтисодий зарбадан асраб қолиш; тарихга, меросимизга муносабатни амалий изга кўчириш;*

– *тарбиядан ҳеч нарсани аямаслик; уруш қатнашчилари қадрини жойига қўйиш; соғлиқни сақлашни давлат қарамоғида олиб қолиш;*

– *инсон ҳуқуқлари, демократия ва сармоянинг давлат тарафидан кафолатланишига эришиш;*

– *кўппартиявий тизимга ўрганиш; ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида ҳисобдор, жавобгар эканини қоидага айлантириш;*

– *қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан бориш;*

– *халқдан узоқлашмаслик, унинг дарди, ташвиши билан яшаш.*

Мана, орадан қарийб чорак аср ўтди. Ўзингиз айтинг, Ўзбекистонда ўшандаёқ белгилаб олинган шу қатъиятларга амал қилиб келиняптими? Ҳа, амал қилганда ҳам изчил, оғишмай, қатъийлик билан амал қилинди. Шу ҳақда ўйлар эканмиз, бугун ҳар биримиз аввал-бошдан мустақил давлат қуриш йўлининг нақадар тўғрилигига яна бир карра амин бўламиз.

Халқимиз орасида: ***"Ҳақиқат қиёсда очилади"***, – деган ҳикматли гап бор. Қиёс учун қўлимизда икки муҳим манба мавжуд. Биринчиси – юқорида зикр этилган **"Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"** тўплами. Иккинчиси эса – Юртбошимизнинг ўтган йили босилган **"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир"** китоби.

Айнан иккинчи китоб орадан йиллар ўтиб, тузилган ана шу режалар, илгари сурилган шу мақсад-муддаоларга қай даражада эришилганини оқилона таҳлиллар, аниқ, манзилли, асосли факт ва далиллар билан кўрсатиб берган тўплам ҳисобланади.

2015 йилнинг дастлабки ойлари давомида давлатимиз раҳбари йигирмадан зиёд йиғилишда қатнашиб, сўзга чиқди.

Бу чиқишларни умумлаштириб турадиган бир хусусият шундан иборатки, уларда Юртбошимиз, ялпи ҳолда ифодалаганда: ***"Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?"*** – деган саволни бош масала қилиб ўртага қўйди.

Шу тариқа китобда Ўзбекистонимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар санаб ўтилган. Энг муҳими, улар манзилли тарзда, яъни қайси минтақада қандай ишлар бажарилгани аниқ қилиб ифодаланган. Мустақиллик йилларида қайси минтақада қандай улкан ишлар қилинганини билмоқчи бўлган киши учун бундан мукаммалроқ ва янгироқ бошқа манба йўқ. Қолаверса, тўпламдаги материалларда келажак истиқболларимиз ҳам аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида, жумладан, биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Модомики, истиқлолимизнинг 25 йил мобайнида босиб ўтган шонли йўлини теран мушоҳада қилаётган, унинг туб моҳиятини англаб етишга интилаётган эканмиз, бу беш тамойилнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрнини аниқлаш учун уларни алоҳида-алоҳида изоҳлаб ўтишга зарурат борлиги аёнлашади.

Биринчи тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкурадан холи қилиш. Бу тамойил иқтисодиётнинг эркин равнақига кенг йўл очади.

Иккинчи тамойил давлатнинг бош ислоҳотчи экани билан изоҳланади. Шундай йўл тутилмаса, бўлмайди. Чунки социализмда деярли барча мулк давлат қўлида бўлган. Уни жамиятга, халққа ўтказишни давлатнинг ўзи амалга ошириши лозим. Шунинг учун давлат ўзи бош ислоҳотчи сифатида *"ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим"*.

Учинчи тамойил – жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш. Акс ҳолда, мамлакатда бошбошдоқлик юз беради, адолатсизлик келиб чиқади, бирон-бир эзгу мақсадни охиригача амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. *Қонун устуворлиги* дегани – *Конституция ва қонунларга амал қилиш ҳамма учун қатъий қоида қилиб олиниши керак* дегани.

Тўртинчи тамойил – аҳолининг мураккаб демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Жамият – бир бутун тана. Унинг айрим шохлари гуллаб-яшнаб кетса-ю, бошқалари қуриб-қақшаб қолса, адолатдан бўладими? Йўқ: *"Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга жажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ"*, – деган эди Юртбошимиз.

Бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, пухта ўйлаб, тадрижий асосда, яъни босқичма-босқич ўтиш.

Ўтиш жараёнини сунъий равишда тезлаштириш, шубҳасиз, шошма-шошарлик, пала-партишликка, ишни чалакам-чатти амалга оширишга олиб келган бўлар эди.

Беш тамойилни бир-бир санаганимизнинг боиси бор. Айнан ***"тараққиётнинг ўзбек модели"*** жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзини тамоман оқлади. Чунки Ўзбекистонимизда давлат ва халқ айнан ана шу тамойиллар асосида ислоҳотларни изчил равишда амалга ошириб келяпти. **Ана шу оқилона ишлаб чиқилган ва қатъий амал қилиб келинаётган беш тамойил 2008 йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан Ўзбекистонимизнинг кам зиён кўрган жуда оз сонли мамлакатлардан бири сифатида бўй кўрсатишини таъминлади.** Шу тариқа Ватанимиз ўз истиқлол йўлини ўзи белгилагани, бу йўлдан оғишмай илгарилаб бораётгани билан алоҳида ва ўзига хос обрў-эътибор қозонди.

"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китобининг бир боби айнан **"Ўзбек модели" – амалда ўзини оқлаган, ёруғ истиқболимизни белгилаб берган тараққиёт йўли"** деб номланади. Бу бобда мамлакатимиз истиқлол йилларида эришган энг муҳим ютуқлар таҳлил этилади.

"Биз ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, "ўзбек модели" деган ном билан дунёда эътироф этилган ривожланиш йўлимизни танлаб олганимиз, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир қадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди", – дейди Юртбошимиз. **Шу тариқа:** ***"Биз халқимизни қийнайдиган, турли ижтимоий қатламларни ҳаётнинг табиий тўлқинига ташлаб, бозор ўзини ўзи бошқаради, деган, "шок терапияси" каби бемаъни усуллардан воз кечдик"***. **Натижа эса – ойдек аён:** ***"Мана, кўриб турибсиз, биз танлаган йўл кескин ижтимоий портлашларсиз, аҳоли ўртасида табақаланишларсиз халқимизга фаровон ва обод турмуш олиб келмоқда. Кечагина бизга ақл ўргатаётганлар энди биздан ўрганмоқда"***.

Ким эдигу ким бўлдик?

ШАРАФЛИ ЙЎЛ МОҲИЯТИ

Шу бобда тилга олинган ютуқларимизнинг айримларинигина санаганимизда ҳам, давлатимиз ва халқимиз тарихан қисқа даврда босиб ўтган улкан довон кўз олдимизда бор салобати билан намоён бўлади.

Ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришдик. Мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўпукладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кейинги ўн йилга яқин вақт мобайнида, дунёда турли-тумли инқирозлар давом этаётганига қарамай, **мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан паст бўлаётгани йўқ.** Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб бизга маблағ беришга тайёр бўлган мамлакатлар кўп топилди. Лекин, *бизга фақат маблағ эмас, замонавий технологиялар керак,* деган қатъий принцип асосида сиёсат олиб бордик. Аҳолимизнинг телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошди.

Мустақиллик йилларида биз аграр мамлакатдан саноати тараққий этган мамлакатга айландик.

Қорақалпоғистоннинг Сурғил кони негизида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокида қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган замонавий Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш лойиҳаси 2012 йили жаҳонда *чет эллик шериклар билан ҳамкорликда нефть-газ соҳасида амалга оширилаётган энг яхши лойиҳа* деб тан олинди. ***"Бундан 25 йил олдин Ўзбекистонда ана шундай ўта замонавий саноат корхонаси қурилади, деса, ўзингиз айтинг, ким ишонарди?"*** – дейди Президентимиз.

Китобда Андижон вилоятидаги "Женерал моторс – Ўзбекистон", "Андижон кабель", "Ўз авто аустем", "Қўрғон текс" каби йирик корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунлари сифатида баҳоланар экан, давомидан: *"Айниқса, "Женерал моторс – Ўзбекистон" автомобиль заводи Ўзбекистон саноатининг наинки локомотивларидан бири, айни вақтда фахри, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди"*, – деган сўзларни ўқиймиз. Бу ерда йилига 250 мингдан ошиқ автомобиль ишлаб чиқариляпти. Шунинг шарофати билан ҳозирги кунда ҳар икки оиланинг биттаси енгил машинага эга. Уларнинг аксарияти айнан ана шу заводда ишлаб чиқарилган.

Бухорода газ узатиш компрессор станцияси, "КНАУФ гипс – Бухоро" қўшма корхонаси, Ғиждувон темир-бетон ва Газли нефть қазиб чиқариш корхоналари барпо этилди. Хусусан, 1997 йили ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида йилига 2 миллион 500 минг тонна хомашё қайта ишланиб, катта ҳажмдаги ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари тайёрланмоқда. 2015 йилдаёқ Қандим ва Шимолий Шоди конларида йилига 2 миллиард 200 миллион куб метр ҳажмида газ қазиб олиш бўйича амалий ишлар бошланди. Бу ерда янги замонавий комплекс, яъни Қандим газни қайта ишлаш мажмуасини бунёд этишга ҳам киришилди. 2018 йилга бориб Қумли конида компрессор станцияси қуриш, Учқир конида газдан пропан-метан олиш, газни тозалаш асосида олтингугурт ишлаб чиқариш бўйича ҳам лойиҳалар якунига етказилади. 2019 – 2020 йилларда катта ҳажмдаги инвестиция ҳисобидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тубдан реконструкция ва модернизация қилинади.

"Жиззах" махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани иқтисодиётимиздаги улкан қадам бўлди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рангли металларнинг асосий қисми, цементнинг 45 фоизи, минерал ўғитларнинг 30 фоизи, электр энергиясининг 16 фоизи Навоий вилоятининг ҳиссасига тўғри келяпти. Хориждаги ҳамкорлар билан биргаликда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва халқаро транспорт логистика марказининг ташкил этилгани вилоятнинг улкан иқтисодий ва транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш имконини беряпти.

Наманган вилоятида кейинги йилларда хусусий ёки корпоратив мулк шаклига ўтказилган 70 та корхонада рентабеллик ошган. Яқин тўрт-беш йилда яна 190 та корхонада давлат улушини камайтириб, хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш мўлжалланган.

Германиянинг "МАН авто" компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида қурилган йирик заводда йилига 4 минг 600 га яқин юк автомобили ва 1 минг 350 дан ортиқ тиркама, Самарқанд шаҳридаги "Самавто" корхонасида эса 5 хил русумдаги автобус, 8 турдаги юк автомобили, 35 хил кузов ишлаб чиқариляпти.

Сирдарё иссиқлик электр станцияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг қарийб учдан бирини етказиб беряпти. "Жиззах" махсус индустриал зонасининг ҳудудий филиали эса вилоят иқтисодиёти равнақида катта ўрин тутмоқда.

Сурхондарёда халқаро стандартларга жавоб берадиган 336 километрлик автомобиль йўлларини барпо этиш, халқаро аҳамиятга эга бўлган "Қарши – Термиз" автомобиль йўлини реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Янаги йилга бориб "Қарши – Термиз" темир йўл тармоғини электрлаштириш ниҳоясига етказилади.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 45 фоизи, пўлат ва металл прокатнинг 100 фоизи, рангли металларнинг асосий қисми Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади. "Ангрен" махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани шарқий минтақаларимиз равнақида муҳим ўрин тутмоқда. Вилоятда енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шиналар ва конвейер лента ишлаб чиқаришга мўлжалланган қиймати қарийб 184 миллион долларга тенг йирик корхона қурилмоқда.

Фарғона вилояти "Олтин водий" деб номланган маконнинг юраги ҳисобланади. Кейинги йилларда бу ерда барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли соҳаларда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Хоразм вилоятида сўнгги йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1,8 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажмининг 2,3 марта ўсишига эришилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулот етиштиришдаги ҳиссаси 74 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри жаҳондаги мегаполислардан бирига айланди. Мустақиллик йилларида унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, замонавийлашди, гўзаллашди, энг муҳими, бу ерда одамлар ҳаёт кечириши учун қулай имкониятлар яратилди. 2008 – 2015 йиллар мобайнида пойтахтда 60 миллиард 500 миллион сўм миқдорида инвестиция жалб қилинди. Кўз микрохирургияси, Урология, Кардиология ва Хирургия каби ихтисослашган тиббий марказлар фақат шаҳар аҳолиси эмас, мамлакатимиз халқи саломатлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшяпти.

Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Қарши йўналишларида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Тальго" поезди қатнови Марказий Осиёда биринчи бўлиб йўлга қўйилди. Бу йил Тошкент – Бухоро йўналиши ишга туширилади.

Юқорида таъкидланганлар ҳаётга татбиқ этилиб, шу йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси – "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди ҳамда нутқ сўзлади. Бу улкан иншоот энг юксак халқаро меъёрларга жавоб беради ва жаҳон амалиётидаги ноёб лойиҳалардан бири ҳисобланади. Мазкур темир йўлнинг ишга туширилиши юк ташиш бўйича вақт ва маблағ тежаш имконини яратади, шунингдек, транзит, ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳиятини кескин оширади, шу тариқа Ўзбекистонимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Узунлиги 123,1 километр бўлган бу темир йўлнинг 19,2 километри денгиз сатҳидан 1 минг 465 метр баландликда жойлашган мураккаб тоғ тизмаларини кесиб ўтадиган туннелдан иборат. Бу Марказий Осиёда ҳам, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам энг узун замонавий туннель ҳисобланади, жаҳон миқёсида эса 13-йирнча туради.

Мазкур стратегик темир йўлнинг ишга туширилиши Тошкентдан Фарғона водийси вилоятларига юк ташиш вақтини икки баробар қисқартирди, харажатлар эса қарийб тўрт марта камайди, энг муҳими, 1,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, бу темир йўл Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

"Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китобининг ҳар бир бобида худди шундай мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилган катта бунёдкорлик ишлари таҳлил этиб берилган. Масалан, "Ободлик кўнгилдан бошланади" бобида, жумладан, Қашқадарё вилоятининг маркази бўлмиш Қарши шаҳри ободончилиги учун 2015 йилнинг ўзида 100 миллиард 100 миллион сўмлик капитал маблағ йўналтириш кўзда тутилгани айтилади. Шаҳар атрофида ҳалқа йўл барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" ҳамда "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китобларини билан танишиш сўз ва амал, режа ва ижро, шарафли йўл моҳияти мамлакат ва унинг халқини тараққиёт йўлига олиб чиқиш учун нечоғли аҳамиятли эканини теран англаш имконини беради.

Халқимиз бу кўҳна тарих жараёнларида кўп-кўп ва турли-туман ўзгаришларни ўз бошидан кечирди. Лекин истиқлол – мамлакат ҳаётидаги ўта муҳим туб бурилиш ясагани ниҳоятда улкан воқеа. У дунёқарашимизни бутунлай ўзгартириб, ҳаётга, давлатга, халққа, шахсга муносабатдаги мустабид давридаги етмиш тўрт йил мобайнида зўр бериб шакллантирилган сунъий деворларни бузиб юборишга қодир қудратли куч ҳисобланади.

Ўзини англаган ҳар бир фуқаро бугун истиқлолимиз тарихини яхши билиши, бунинг учун, энг аввало, ана шу икки китоб мазмун-моҳиятидан атрофлича бохабар бўлиши лозим. Бу нашрлар – жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, маънавий-маърифий ҳаётини теран англаш учун катта аҳамиятга эга.

Бугунга келиб бутун дунё англаб етдики, мустақил Ўзбекистоннинг ўз йўли, ўз мақсади, ўз қатъиятлари, ўз сиёсати ва шуларга мос равишда ўзига хос обрў-эътибори, мавқе-мақоми бор. Истиқлолнинг ўтган чорак асри мамлакатнинг кейинги юксак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди ва нурли манзилларга чорлайди.

ШУ РАВОН ЙЎЛИНГ ЯНАДА НУРАФШОН БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Олим МАҲМУДОВ

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН ЁШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эндиликда ушбу таълим масканларида қуймакорлик технологиялари, энергия машинасозлиги, муқобил энергия манбалари, мехатроника ва робототехника, интеллектуал муҳандислик тизимлари, электрон аппаратлар ишлаб чиқариш технологияси, лазер технологияси ва оптоэлектроника, биотиббиёт инжинерияси, нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатация қилиш, коммунал инфратузилма ва уй-жой коммунал хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, резинотехника буюмлари ишлаб чиқариш технологияси, ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти, тиббий-биологик иш, санъатда анимациявий ва мультимедиавий лойиҳалаш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси, ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси йўналишлари бўйича тайёрланадиган мутахассислар мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Президентимизнинг 2016 йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида янги университетнинг очилиши халқимиз маънавиятини юксалтириш, ўзлигини англатиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар силсиласида катта тарихий воқеа бўлди. Ушбу олий ўқув юртига 5 минг 31 йигит-қиз ҳужжат топширган. Университетнинг ўзбек филологияси факультетида бир ўринга 14,2 абитуриент, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультетида бир ўринга 17,1, ўзбек-инглиз таржима факультетида бир ўринга 19 нафар абитуриент тўғри келгани ёшларимизнинг буюк бобомиз – Алишер Навоий номи берилган ушбу билим даргоҳида ўқиб, камолга етишга, улуғ аждодларга муносиб ворис бўлишга иштиёқи кучли эканини кўрсатади.

– Барча соҳаларда интеграция жараёни кузатилаётган, ахборот оқими замон ва макон чегараларини тан олмаётган бугунги глобаллашув даврида она тилимизнинг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш долзарб масалалардан биридир, – дейди самарқандлик абитуриент Санжар Ражабов. – Университетнинг ўзбек филологияси факультетига ҳужжат топширдим. Тест синовларидан мувaффақиятли ўта олсам, соҳада етук мутахассис бўлиб, бу борадаги мавжуд масалалар ечимига ўз ҳиссамни қўшаман.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ишончли ва қулай, замонавий транспорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармоқ – автомобиль саноатининг равнақ топиши жаҳон талабларига жавоб берадиган йўл ўтказгичлар, эстакада ва кўприклар қуриш, кўчаларни кўп полосали тезюрар магистралларга айлантириш, транспорт тармоқларига хизмат кўрсатишни янада ривожлантиришни тақозо этаётир.

Бу соҳада малакали мутахассисларга бўлган талабни янада оширмоқда. Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган Тошкент автомобиль-йўллар институти ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси, автомобиль йўллари ва аэродромлар, ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича), транспорт иншоотларининг эксплуатацияси, электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, автотехника, йўл қурилиши, автомобиль йўл хўжалиги корхоналари иқтисодиёти ва бошқаруви, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, хизматлар соҳаси, тармоқ менежменти ва маркетинги, касб таълими йўналишларида малакали мутахассислар тайёрлаб келаётир.

Бу йил ҳам институтда барча йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш учун абитуриентлардан 5 минг 827 ҳужжат қабул қилинган. Олий ўқув юртида тест синовларини юқори савияда ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрилган. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун барча шароит яратилган. Аудитория раҳбари, вакил ва кузатувчилар учун махсус ўқув-семинарлари ташкил этилиб, барча шароитларга эга бино ва аудиториялар тайёрланган. Яратилган бундай қулайликлар тест синовларининг очиқлик, ошкоралик, адолатлилик тамойиллари асосида ўтказилишига имкон берди.

– Жорий йилда янги ташкил этилган метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти йўналишига ҳужжат топширдим, – дейди пойтахтлик Сардор Исаев. – Шайхонтоҳур саноат касб-ҳунар коллежининг автомеханика йўналишини тугатганман. Ниятим – соҳанинг ҳар томонлама етук мутахассиси бўлиш. Тест синовлари белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ ўтказилди. Талабалик бахтига, албатта, тинимсиз ўқиб, изланган, мақсади аниқ ёшлар мушарраф бўлади.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда маданият ва санъатнинг аҳамияти ғоят катта. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий санъатимиз, жумладан, тасвирий санъатни жадал равнақ топтиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Ёшларимиз ўз маҳорати билан халқаро кўргазмалар, биенналелар ва бошқа тадбирларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз довруғини жаҳонга ёймоқда.

1997 йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида соҳанинг етук мутахассислари камолга етмоқда. Бу ерда касб таълими, рангтасвир, дизайнер ва интерьерни лойиҳалаш, либос дизайни ва газламаларнинг бадиий ечими, санъатшунослик, тасвирий ва амалий санъат, музейшунослик, консервация ва бадиий ёдгорликларни сақлаш, дастгоҳли, маҳобатли рангтасвир, компьютер графикаси, бадиий фотография, реклама ва амалий графика, интерьерларни лойиҳалаш дизайни йўналишларида малакали кадрлар етишиб чиқмоқда. Режага кўра ушбу олий таълим даргоҳига бу йил 250 нафар йигит-қиз талабаликка қабул қилинади. Абитуриентлардан келиб тушган ҳужжатлар бундан бир неча баробар кўп – 983 та.

Ушбу олий ўқув юртида ҳам тест-синовлари тартибли, белгиланган талаб ва меъёрларга мувофиқ тарзда ўтказилди. Ота-оналар учун ҳам махсус ўриндиқлар, салқин ичимликлар савдоси йўлга қўйилди.

– Қизим Гулнора либос дизайни ва газламаларнинг бадиий ечими йўналишига ҳужжат топширди, – дейди сирдарёлик Фотима Жўрақулова. – Бугун юртдошларимиз ўзининг кийинишидан тортиб уй-жойини безатишда юксак эстетик талабларга эътибор қаратмоқда. Шу боис фарзандимизнинг қарорини қўллаб-қувватладик. Унинг имтиҳонларга тайёрланиши учун барча шароитни яратиб бердик. Насиб этса, қизим ўз кучига ишонган, юксак билим ва ижодий салоҳиятли дизайнер бўлиб етишади.

Шаҳбоз Улуғбобоев Республика рассомлик коллежини тамомлаб, мазкур олий ўқув юртининг маҳобатли рангтасвир йўналишига ҳужжат топширди.

– Тест саволларига билимим даражасида жавоб бердим,– дейди Шаҳбоз. – Биз ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор тест синовлари пайтида ҳам яққол намоён бўлди. Имтиҳонлар олдидан ўтказилган консультатив машғулотлар, кенг ва ёруғ аудиториялар, ота-оналаримиз учун махсус кутиш жойлари шулар жумласидандир. Келгусида қайси йўналишда меҳнат қилишдан қатъий назар Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга тилакдошмиз.



ЎзА олган сурат

(ЎзА)

ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролар йиғинлари қошидаги "Ота-оналар университетлари" ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига доир ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жамоатчилик тузилмалари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 55 мингга яқин тадбирлар ташкил этилди ва бунда маслаҳатчилар ҳам фаоллик кўрсатди.

Маслаҳатчилар бугунги кунда фуқаролар йиғинларида ташкил этилган Яраштириш, Вояга етмаганлар, Ёшлар ва спорт масалалари, Хотин-қизлар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияларнинг аъзоси сифатида ушбу жамоатчилик тузилмалари ишини самарали ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида Яраштириш комиссиялари томонидан 22 мингдан ортиқ оилаларда юзага келган низоли ҳолатларга барҳам берилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида маслаҳатчилар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида услубий-амалий кўмак кўрсатилмоқда. Сўнгги 3 йил давомида 24 номда услубий қўлланмалар тайёрланиб, маслаҳатчиларга етказиб берилди. "Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами", "Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар", "Тўйларимиз маърифати", "Мустаҳкам оила – маҳалла таянчи", "Эрта никоҳлар, оилавий низолар, шу жумладан, оилавий ажралишлар ва яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилишининг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш" номли қўлланмалар шулар жумласидандир.

Маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида барча маслаҳатчилар билим ва малакасини оширди.

Ана шундай эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган маҳалла маслаҳатчилари фаолияти юксак баҳоланиб, муносиб қадрланмоқда. Сўнгги беш йилда 78 нафар маслаҳатчи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани бунинг яққол тасдиғидир.

Маслаҳатчиларнинг бу борадаги илғор тажрибасини ўрганиш, эришган натижаларини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш 2005 йилдан буён "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови муҳим омил бўлмоқда.

Уч босқичли тизимда ўтказилган ушбу танлов маслаҳатчилар учун ўз вазифаларини самарали амалга ошириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси, оилаларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш каби йўналишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида бўлиб ўтган танловнинг туман, шаҳар босқичлари, июнь-июль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичларида 8 минг 700 дан ортиқ маслаҳатчи иштирок этиб, юксак билим ва тажрибаларини намойиш этди.

Маслаҳатчилар учун бу тадбир катта маҳорат синови бўлди. Зеро, бу уларнинг иш фаолияти бўйича ҳудудда амалга ошираётган ишлари, эришган ютуқлари, намунали иш тажрибаларини оммалаштиришга, шу билан бирга, бошқаларни ҳам янада фаол, самарали фаолият юритишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Унинг мамлакат босқичи ҳудудларда ўтказилаётгани жойларда маслаҳатчилар фаолиятини самарали ташкил этишда долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу йилги кўрик-танлов барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Энг улуғ, энг азиз айём – мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида ўтказилган танловнинг мамлакат босқичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди васийлик кенгаши аъзолари, Сирдарё вилоятидан 600 нафардан ортиқ маҳалла фаоли иштирок этди. Танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган 14 нафар маслаҳатчи иккита шарт бўйича ўзаро беллашди.

Танлов иштирокчилари биринчи шартда ўз маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқларнинг тақдимотини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намойиш этди. Тақдимотларда маслаҳатчиларнинг маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, ибратли миллий-диний анъана, урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар, ижобий иш тажрибалари очиб берилди. Иккинчи шартда маслаҳатчиларнинг турли масалалар юзасидан билими, дунёқараши, соҳага оид қонун ҳужжатларидан хабардорлиги синовдан ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, танловда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муқаддас Худойназарова биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раъно Эргашевага, учинчи ўрин Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Янги Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Феруза Раҳматуллаевага насиб этди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

– Президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди танлов ғолиби М.Худойназарова. – Танлов фаолиятимизда эътибор қаратишимиз зарур бўлган муҳим масалалар, иш услубларимиз бўйича ўзаро фикр, тажриба алмашиш имконини берди. Билмаганларимизни ўргандик, камчиликларимизни аниқлаб олдик. Маҳалламизда кўплаб йўналишларда иш олиб бормоқдамиз. "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшлар турли ижодий ва спорт тўгаракларига кенг жалб этилаётгани, маҳаллалардаги тадбиркор ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Умуман олганда, мазкур танлов маслаҳатчиларнинг оила институтини янада мустаҳкамлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, жойларда аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жамиятда маҳалла институтининг ўрнини кенгайтириш, нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш мактаби сифатида ҳам аҳамиятли бўлди.

Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт тадбирга байрамона шукуҳ бағишлади.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

А.ҚАЮМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли хамшахарлар!

Тошкент шаҳрида 2016-2017 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқларининг синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

2-ИМ

2016 й. 12 август куни — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхонов, Р. Ҳамроев, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув - 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

3-ИМ (М-1,4)

2016 й. 10 август куни — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Ўзбекистон, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Самарқанд Дарвоза, Маннон Уйғур, Бешёғоч, Пахтакор кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0)

2016 й. 4 август куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк кўчаси, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Боғиравон, М. Турғунбоева, Аҳмад Дониш кўчалари, М-1,5,6 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-0,1)

2016 й. 19 август куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк кўчаси, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Боғиравон, М. Турғунбоева, Аҳмад Дониш, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Қорақамиш, Қорақамиш 1-кўчаси кўчалари, М-1,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

2016 й. 18 август куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод 1÷19 мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)

2016 й. 11 август куни — Чилонзор 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, Ц, 20А даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий – 1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Самарқанд Дарвоза, Байналмилал, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, М. Шайхзода кўчалари, Қатортол 1-тор кўчаси.

6-ИМ

2016 й. 11 август куни — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Янги қўйлиқ, Толимаржон, Файзобод, Меҳржон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлиқ – 1÷7, Қўйлиқ – Айланма турар жой мавзелари.

7-ИМ

2016 й. 4 август куни — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузель -1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод – 1,2, Авиасозлар шаҳарчаси – 1, 1а, 2, 3, 4 турар жой даҳалари.

9-ИМ

2016 й. 5 август ва 16 август кунлари — Чилонзор 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30,31 даҳалари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю. Саккокий, Фозилтепа кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

10-ИМ

2016 й. 17 август куни — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, 1-Қорақамиш кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси кўчалари, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш – 2/3, 2/4, Бешқўрғон – 1,2,3,4, Қамарнисо, НУУз – ТашГТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа даҳалари, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

2016 й. 19 август куни — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор 1÷5, Е, И мавзелари, Оқтепа, М-7 турар жой мавзелари.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ


ЎзА олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш, унда ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича баҳслашади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори олимпиячиларимизнинг тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

– Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчи ортида ўзини шундай юксак даражага етказган Ватани, халқи турганини, уларнинг ишончини оқлаш бурчи эканини чин дилдан ҳис қилади, – дейди стол тенниси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Зоҳид Кенжаев. – Мана шу туйғу биз, спортчиларга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Биз Олимпиадада муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

– Спортчиларимиз эришаётган юксак натижалар мамлакатимизда маҳоратли спортчиларни тарбиялаш тизими тўғри йўлга қўйилгани самарасидир, – дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Ким. – Ишонамизки, XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз ўз маҳоратини намойиш этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлайди. Олимпиячиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик шодиёнасига муносиб совғалар тайёрлаши шубҳасиз.

– Биз, спортчилар учун давлатимиз байроғини янада юксакларга кўтариш энг катта бахтдир. Халқаро майдондаги ғалабаларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграшига бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламиз, – дейди енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Екатерина Воронина.

Спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Соиб Қурбонов ва Гулноза Матниёзова, оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Иван Ефремов Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, Олимпия ўйинларида халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлашга, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига муносиб совға билан қайтишга ваъда берди.

Ўзбекистон спорт делегацияси Рио-де-Жанейро шаҳрига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг махсус самолётида жўнаб кетди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Яшнобод тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: "AUTO PLAZA SERVIS" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 20.08.2015 йилдаги 1-189/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 54 444 382 сўм, 2007 и/ч., дав/рақ: 01О060ВА бўлган, "Ниссан Тида" русумли техник носоз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 сентябр куни соат 11:00 да ўтказилади

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 5 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 2 сентябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий Амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01088, ИНН: 303877274. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2016 йилнинг июль-декабрь ойларида жойларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини сайёр қабул қилиш кунлари 8.08.2016 йил Шайхонтоҳур туманида соат 10:00-12:00 ва 15:00-17:00да ўтказилади.

Сайёр қабул кунлари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, Давлат рақобат қўмитаси ҳудудий органи, ижара маркази, шаҳар архитектура-қурилиш органлари, кадастр хизмати, шаҳар электр тармоқлари, газ таъминоти, сув таъминоти корхоналари, савдо-саноат палатаси ҳудудий органи ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бошқармаси (келишув асосида), хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари раҳбарлари иштирок этишади.

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 28 июль 150-сонидаги "Universal Realtor" МЧЖнинг аукцион савдосига қўйилган умумий майдони 443 кв. метр бўлган 4 қаватли ва ертўлали бино бўйича аукцион савдоси санаси қисми қуйидаги таҳрирда ўқилсин: аукцион савдоси 2016 йил 5 сентябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин яъни 2016 йил 2 сентябрь куни соат 11:00да тўхтатилади.

ПРОФЕССОР С.А.Ҳасанов "отоларинголог" клиникаси

▶ Барча томоқ-қулоқ-бурун касалликлари диагностикаси ва уларни даволаш;
▶ Гайморит, фронтит, этмоидитларни самарали ва пункциясиз даволаш;
▶ Аллергик ва вазомотор ринитларни даволаш;
▶ Йирингли ва йирингсиз отитларни даволаш. Эшитишнинг ёмонлашуви ва қулоқдаги шовқинни, қулоқнинг замбуруғли шикастланишини (отомикозлар) даволаш;
▶ Болаларда ларингитларнинг тез-тез қузатилиши, томокда нарса тиқилиб қолгандек ҳис этиш, йўтал ва оғиздан ҳид келишини даволаш;
▶ Болалар ва катталарда сурункали тонзиллитлар (жарроҳлик усулисиз);
▶ Келин-куёвларга бепул маслаҳатлар.

Қабулни профессор ва юқори малакали мутахассислар олиб боради.

Тел.: 234-36-50, 234-92-65, 187-57-50, 808-29-71
"Гидрометцентр" бекати, "Минор" м.б., Осиё кўчаси, 12
Хизматлар лицензияланган

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

"101"

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилаяпти. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билмайди. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз. Билиб туриб ўзимиз ва мол-мулкимизни хатарга қўямиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларда ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир бегамроқ бекаларимиз эса газ плиталарида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради. Ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаёти, соғлиғи, ёшлигини олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонлар, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Нурмахам ЭРМЕКОВ,
12-ХЁХО 24-ҲЁҲҚ кичик инспектори, сафдор

* * *

Бугунги кунда ёнғинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, дунёнинг кўплаб давлатларида ёнғин хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқарадиган корхона, фирма, компанияларнинг мавқеи юқори туради.

Республикамизда ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнғин туфайли келадиган моддий зарарлар, одамларнинг ҳаётига, соғлиғига етказадиган зарарнинг олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаётини ва кунлик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларини муҳофаза қилмоқ муҳим вазифадир.

Эржан СУГУРБАЕВ,
Учтепа тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Тарих зарварақларидан

ШАХМАТНИНГ ЯРАЛИШ СИНОАТЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Г.Мюррей илгари сурган сана узоқ вақт умумий қабул қилинган ҳисобланди ва фақат кейинги пайтда муҳокама қилина бошланди. Жумладан, З.Хўжаев ва Ф.Дюммельларнинг тахмин қилишларича, шатранг шимолий-ғарбий Ҳиндистонда эфталитлар даврида, аниқроғи V асрда ихтиро қилинган, шу билан бирга улар Г.Мюррейнинг ушбу ўйинни сосонийлар Эрони анча кейинроқ бир асрдан сўнг билганлиги ҳақидаги тахминини қабул қилишади. И.Майзелис шундай хулоса билдирадики, чатуранга шимолий-ғарбий Ҳиндистонда тахминан II-IV асрларда, унга асосланган янги ўйин – шатранг IV-V асрларда (кечи билан 500 йил) Марказий Осиё ҳудудида вужудга келган.

Шахмат қайси пайтда қандай тарзда пайдо бўлган? Кушон давридами ёки эфталитлар давридами, тўртлик ўйин шаклидами ёхуд ҳозирда маълум доналар жойлашуви бўйича юзага келганми?

Биз бу саволларга ҳозирча жавоб бера олмаймиз. Шуниси аёнки, чатурангага ўхшаб шатранг ҳам ушбу ўйин дучор бўлган ўзгаришлардан қатъий назар буддавийлик таъсирида ҳиндча ўйин сифатида қабул қилинган. Хусрав I сезиларли ҳиндча таъсирни ҳис этган Эронда ҳам юзага келган ривоятлар ва афсоналар шатрангни бевосита Ҳиндистондан келган ўйин сифатида талқин этишарди, юз йилдан сўнг Эронни забт этган араблар эса уларнинг шахматнинг келиб чиқишига оид қарашларини тўлиқ қабул қилишди. Хусусан, басралик ал-Жохиз (868 йили вафот этган) ўзининг ҳинд маданияти ҳақидаги тавсифида қуйидагича эслатиб ўтишни унутмайди: "шахмат ҳиндларга тегишли, бу энг олижаноб ва энг яхши ишлаб чиқилган ҳамда ўткир ақлий ўйин".

Шахмат тарихини умуман тўғри кўриб чиққан ҳолда Ўрта асрлар муаллифлари унинг яратилишига доир муайян шарт-шароитларни билишдан йироқ эдилар ва афсона версияларга эргашишарди. Шу боис уларнинг далолатларига эҳтиёткорона ёндашиш лозим. Шунингдек, милоднинг дастлабки асрларида Шимолий Ҳиндистон ҳудуди билан бирга шахмат шаклланиши юз берган минтақага кирувчи Марказий Осиё ролини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Хитойча шахмат ўйини — сянци ҳақидаги масала янада мураккаб. Унда доналар 64 катак бўйича эмас, 90 та "чизиқ" ва "нуқта" бўйича ҳаракатланади. Айрим тарихчилар гўё сянци шахматга асос бўлган, ҳатто чатурангага биринчи асос бўлган деган фикрни билдиришади. Хусусан, инглиз хитойшуноси Ж.Нидэм шундай фаразни илгари суради.

Бироқ унинг тадқиқотида ўйин келиб чиқишига бағишланган бобнинг "Оҳанрабо, башорат ва шахмат" деган сарлавҳасиёқ ўйлантириб қўяди. "Оҳанрабо ва шахмат ўртасидаги алоқа тўғрисида, шахмат билан астрологик тимсоллар ўртасидаги алоқа тўғрисида" мулоҳазалар учун бошланғич асос сифатида Нидэм қуйидаги фикрни олади: "Биз шахматни чоғроқ рамзий моделларнинг исталган термаси сифатида белгилашни қулай ҳисоблаймизки, улар нафақат армия қисмларини, балки жониворларни ёки Қуёш, Ой, сайёралар ва бурж юлдузлари каби самовий жисмларини ифодалаши мумкин".

Бундай фикр муаллифга шакли ва ўз моҳияти бўйича ҳар хил ўйинларнинг энг ғайритабиий қиёсларини қилишга (масалан, шахмат ва... домино, шахмат ва... пайконлар, таёқлар ва ҳоказолар ёрдамида башорат) ҳамда ҳатто "Оҳанрабо компас ривожига боғлиқ равишда ўйинлар ва башорат воситаларининг қардош алоқасини тасвирловчи схема"ни тузишга имкон беради. Албатта, бундай эркин методда 519 йили Хитойда ихтиро қилинган астрономик ўйинни замонавий шахматнинг бевосита асосчиси сифатида эълон қилиш ҳам мумкин. Ўз хулосаларида эса Нидэм тўғридан-тўғри даъво қилади: "Шахматнинг жанговар унсури, чамаси, башорат техникасидан ривожланган, бунда у Коинотдаги қарама-қарши "яхшилик" ва "ёмонлик" кучларининг... мувозанатини таъминлаш учун (милоднинг VI асри, Хитой, бу ердан шахмат Ҳиндистонга ўтиб дам олиш учун ўйинга айланган) мўлжалланган".

Ушбу фараз тўқима ҳарактерга эга. Муаллиф нима қилиб бўлса ҳам башорат учун фойдаланилувчи астрологик техниканинг ҳарбий ўйинга айланишини исботлашга интилади. Ушбу ғояга мослашишда у шахмат ўйинининг юзага келиши ва унинг Осиё ва Европа халқлари ўртасида тарқалиш жараёни тўғрисида сўз юритувчи фактлар таҳлилини ҳам инкор этади. Шундай бўлсада, айрим шахмат тарихчилари ушбу ғоядан фойдаланишмоқда.

Жумладан, югославиялик тарихчи П.Бидев шундай дейди: "Шахмат 569 йили Хитойда башоратнинг астрологик ускунаси сифатида юзага келди". Бу борада у Нидэмга ҳамда унинг юқорида айтилган тадқиқотида келтирилган "569 йили астрономик шахматни ихтиро қилган император У – Дининг шахмат китобига Ван Бао муқаддимаси" ҳужжатига таянади. Бидев ҳам Нидэмга эргашиб, шахмат гўё Хитойда яратилганлиги ҳақидаги хулосани такрорлайди.

Шатрангнинг сянцига тўғридан-тўғри этимологик таъсири гарчи кўринмаса-да, хитойча ўйиннинг кўплаб доналарида ва уларнинг юришларида мазкур алоқа кузатилади. Айниқа, сянцидаги Хитой ҳарбий стратегияси учун умуман характерли бўлмаган фил донаси эътиборни тортади. Ҳатто Нидэм ҳам ушбу масалада ўз концепцияси кучсизлигини ҳис этиб, изоҳларда шуни қайд этишга мажбур бўладики, сянци доналаридан бирининг филга айланиши эҳтимол янада кейинги ҳинд таъсири туфайли юз берган.

Шундай бўлса, у ҳолда шахмат асосан бутун доналар тартибини ва ўйин қоидаларини сақлаб қолган бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ Хитойда улардан фақат "излар" қолганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Фикримизча, бунинг сабаби шуки, Хитойда шатранг кириб келгунга қадар халқда чуқур илдиз ёйган ва аллақачон анъанавий ривожланиш шаклига эга бўлган ўз ўйинлари мавжуд эди. Бундай шароитлардан ўзга юртнинг ўйини бутунлай сингмаслиги ёки ўзига хос симбиоз ташкил этган ҳолда миллий асосда фойдаланилиши мумкин эди. Масалан, Хитойда милоднинг V асридаёқ ҳарбий ўйин мавжуд бўлиб, унда 361 майдончага бўлинган тахтада 150 донага яқин сипоҳлар қатнашар ва улар фақат "чизиқлар" ҳамда "нуқталар" бўйича ҳаракатланишарди.

Ушбу ўйин қанчалик ўхшовсиз ва мураккаб бўлмасин, ўз анъаналарига эга эди. Шу боис буддавийлар келтирган шатранг пайдо бўлганда изсиз йўқолиши мумкин эмасди (580 йилда фақат Хитойнинг шимолида 40 мингдан зиёд буддавий эҳромлар ва бутхоналар бор эди).

Маҳаллий ўйиннинг ҳамда ўта жозибали янгиликнинг қўшилиши натижасида сянци – "фил ўйини" номи билан машҳур "синтетик" шакл юзага келди (ҳозирда Хитойда "сянци" сўзини "жанг стратегияси ўйини" сифатида талқин қилишмоқда). Унда хитойча анъанадан фақат "чизиқлару нуқталар" қолди, улар бўйича ўйин олиб боришарди. Эҳтимол, "дарё" билан тимсолланувчи (бироқ иероглиф "Сомон Йўли"ни англатади) ўзига хос "нейтрал" йўналиш – "хань" пайдо бўлиши ҳамда горизонтал бўйича тахта ўртасида икки мухолиф қароргоҳини ажратиб туриши айнан шу анъанага боғлиқдир. IX асрда тахтада замбараклар ("пао") пайдо бўлиб, улар ҳам сянцига маълум ўзига хослик бахш этди. Шу билан бирга шатрангдан доналар олиндики, уларнинг бир қисми бошланғич ўйин ҳақида бевосита эслатма сифатида хизмат қилади – филлар, яъни маслаҳатчилар ("сян"), отлар ("ма"), аравалар ("че" ёки "цзюй"), аскарлар ("цзу" ёки "бин"). Доналарнинг бир қисми Хитой воқелигига мос равишда саркардага ("цзян" ёки "шуай") ва олимларга ("ши") айлантирилди.

Юқорида айтилганларнинг барчаси, шахмат турли хил астрологик концепциялар алоқасида эмас, қадимги қўшин тартибини рамзий акс эттирган ҳарбий ўйин сифатида юзага келган деб хулоса чиқаришга имкон беради. Тарихий, этнографик, археологик, адабий, фольклор манбаларини комплекс ўрганиш, этимология маълумотлари шуни тасдиқлайди.

Чатуранга қачон ва қаерда шатрангга айланганлиги ҳамда шатрангнинг дастлабки ривожланиши ҳақида кўп нарсани археологик кашфиётлар туфайли билиб олишга умид қилса бўлади. Шахматнинг этнография фани томонидан ўрганилиши ҳам кўп нарса бериши мумкин. Шу муносабат билан И.Савенковнинг ўтган асрдаги ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган фикрини келтириш мумкин: "Шахмат ўйини инсоният маънавий ижодининг маҳсули сифатида бошқа этнографик турлар қаторида ўзининг камтарона ўрнини эгаллаши мумкин ва шарт. Унинг Осиё халқлари ўртасида тарқалиши ҳамда тадрижи тўғрисидаги маълумотлар ўрганилаётган халқнинг руҳий, интеллектуал ва маиший тавсифини тўлдириши мумкин. Шу билан бирга қиёслаш ва умумлаштириш йўли орқали халқлар кўчишининг йўналиши, ўзлаштиришлар йўналиши, уларнинг қардошлиги, уларнинг маданий ва этник алоқалари ҳақидаги масалаларни аниқлашга кўмаклашиши мумкин". Шахматнинг келиб чиқиши манбаларини аниқлашнинг муайян масаласига келсак, фикримизча, қадимий Ҳиндистонда ва қўшни мамлакатларда ҳарбий санъатнинг ривожланиши Ҳиндистон, Марказий Осиё ва бошқа Шарқ халқлари эпосларида шахматнинг акс эттирилиши, Шарқда антик скульптура ва майда пластиканинг ривожланиши, ҳинд маданиятини қўшни халқлар орасида тарқатишда буддавийларнинг роли каби масалаларни жиддий ўрганиш, кушон ва эфталит давлатларидаги маънавий ҳаётни ва турмушни тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур муаммоларнинг мавжуд йиғилган маълумотлар билан биргаликда комплекс тарзида ўрганилиши шахмат келиб чиқишининг сирларига ойдинлик киритиши мумкин.

Анвар ИНОҚОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, санъатшунос, шахмат бўйича спорт усталигига номзод

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **3 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ